

Олий Мажлис сессияси олдидан

# СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

## ундан тежамкорлик билан фойдаланиш — қонун талаби

Халқимизда "Отанг мироб бўлса ҳам даланг қулоқнинг бошида бўлсин", деган нақл бор. У экинларнинг сувга талаби ошган кезларда кўп бор тилга олинади. Дарҳақиқат, сув — бебаҳо неъмат. Суғорма деҳқончиликда ёз чилласида ҳар томчи сув бамисоли гавҳарга айланади. Шу боис узоқ ўтмишдан оби ҳаёт тақсимотида адолат мезонларига қатъий амал қилинган.

Юртимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда, аниқроғи, 1993 йилда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Дунё билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлаётган ҳозирги давримизда мазкур қонунга ўзгартишлар киритилишига эҳтиёж туғилмоқда. Аввало, шуни айтиш керакки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мулкдорлар — фермерлар қўлига ўтаяпти. Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида барча қишлоқ хўжалик майдонлари ердан фойдаланувчиларга узоқ муддатга, яъни 30 йилдан 50 йилгача ижарага берилиши назарда тутилган. Фермерларнинг экин майдонига келсак, улар собиқ хўжаликлар майдонига нисбатан катта эмас. Ҳатто, бир далада (контурда) экин-тикин қилаётганлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бундан ташқари, ширкат хўжалигининг деҳқончилиги ҳам шу далага туташ. Улар бир ариқдан сув ичади. Энди, ўзингиз ўйлаб кўринг, фермернинг ери туман ер кадастри балансида, ширкатники эса ўз балансида. Аслида эса деҳқончилик қилинадиган сувли ва лалми майдонлар бир балансда туриши мақсадга мувофиқ эмасми?

— Бу жараён , — дейди Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Искандар Қаландаров, — фақат юқорида тилга олинган қонунга эмас, балки "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этмоқда. Қўмитамиз аъзолари ва ишчи гуруҳимизнинг сессия оралиғидаги асосий фаолияти шу масала устида ишлашга қаратилди. Биз қонунларга киритилиши лозим деб топилган ўзгартишларни парламентнинг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қўйишни мўлжаллаяпмиз.

Дарвоқе, қўмита икки сессия оралиғида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ижросини атрофлича ўрганди. Шу жараёнда мазкур вилоятларда сувни тежаб-тергаб ишлатиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳам аниқланди. Тегишли вазирлик ва ташкилотларга мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилиб, уларнинг бажарилиши назоратга олинди.

Бундан ташқари, қўмита муҳим иқтисодий-сиёсий аҳамиятга молик тадбирлар ўтказишда ҳам фаол қатнашди. Жумладан, гидротехник иншоотлар хавфсизлигига, лизинг мавзусига оид давра суҳбатлари, Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, у ердаги экологик танглиқни юмшатишга қаратилган мажлислар уюштирди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Банкларга ишончни мустаҳкамлайди

Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартибига қўйилган ўн учта масаланинг барчаси долзарблиги ва ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, «Банк сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юртдошларимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Негаки, бугунги кунда кўплаб тадбиркору ишбилармонлар пешона терлари эвазига топган маблағларини уйда эмас, балки банкларда сақлаш кони фойда эканлигини тўғри англаб етмоқдалар. Бироқ юртдошларимиздан айримларида ҳали-ҳамон банкка нисбатан ишончсизлик сақланиб қолган. Маблағидан айрилиб қолиш, унинг мавжудлиги тўғрисида бошқа одамларнинг хабар топишидан хавотирланиш каби нотўғри шубҳаларга сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳасида фуқароларнинг барча омонатлари тўлиқ сир сақланиши, мижозлар ўз маблағларидан эркин фойдаланиши, омонат миқдори қонун доирасида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан талаб қилингандагина ошкор қилиниши, ўйлаймизки, эндиликда банклар фаолиятини янада яхшилайди. Ҳар бир фуқаро банк билан эмин-эркин муомалада бўлади. Бу мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**Акбар СУВОНҚУЛОВ,**
**Боёвут туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги фермери.**







Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

# «БОФАНДА» ЧЕМПИОНЛАР ЭГНИГА ҲАМ ЯРАШАДИ

*Бундан икки йилча аввал мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос спорт кийимлари ишлаб чиқарилади, деса биров ишониб, ишонмасди. Эндиликда, нафақат республикамиз миқёсидаги, балки энг нуфузли жаҳон спорт мусобақаларида халқимиз вакиллари иштирокчи сифатида қатнашиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган ва уларга «Ўзбекистон», «Мустақиллик» каби сўзлар битилган, шунингдек, давлатимиз байроғи, герби тасвири туширилган спорт кийимларида фахр билан майдонга тушишмоқда.*

*Сиёб туманидаги «Бофанда» ҳиссадорлик жамиятида тикилаётган спорт кийимлари ҳам спортчиларимиз эгнида дунё кезмоқда. Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган қирқдан ортиқ турдаги ўғил ва қиз болалар спорт кийимлари сифатли, бежиримлилиги боис ёшларга манзур бўлаяпти.*

**СУРАТЛАРДА корхона ишлаб чиқариш цехи, илғор тикувчи Саодат Ҳайдарова ва тайёр маҳсулот акс этган.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Хабарлар оқимидан

### Иссиқлик тизими яхшиланади

Икки йил муқаддам республика Вазирлар Маҳкамаси «Андижон шаҳрини иссиқлик ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш тизимини қайта қуриш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қарордан сўнг қатор ишлар амалга оширилди. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Фихтнер» компанияси ана шу кенг қўламли, ғоят мураккаб вазифани бажаришда кўмаклашишга қарор қилди. Бунинг учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ўртасида битим имзоланиб, 15 йил муддатга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиладиган бўлди. Бундан ташқари, Япония ва Швейцария ҳукуматларининг 1,5 ва 4 миллион АҚШ долларига тенг грантларини ҳам тузишни қайта қуришга жалб этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

**Ўз мухбиримиз.**

### «Сандвик» «Бахмалмеваси»га айланди

Бахмалнинг олмаю анори, келиннинг нозик бармоқларига қиёс ҳусайни узумларининг донғи кетган. Айни кунларда тумандаги учта корхонада ёз неъматлари қайта ишланиб, ширидан-шакар шарбатлар, мураббоbooларга айлантирилаётир. Анчадан буён фаолияти тўхтаб қолган «Сандвик» корхонаси ҳам «Бахмалмеваси» номи билан ўз фаолиятини тиклади. Энди соҳибкору боғбонларнинг меҳнати маҳсули сархил меваю сабзавотлар шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишланадиган бўлади.

**М. ТОЖИЕВА.**

### «Нуржаҳон»нинг ишлари

Ширин шаҳри Шароф Рашидов номли маҳалладаги учта кўп қаватли уйни «Нуржаҳон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси қисқа вақт ичида капитал таъмирдан чиқарди.

Уйларда яшовчи аҳоли том, иситиш, канализация, иссиқ ва совуқ сув тизимлари таъмиридан жуда мамнун бўлишди. Корхона бригадири Саидхўжа Файзиевнинг таъкидлашича, ҳар бир йўлакка темир эшиклар ўрнатилди, деворлар оқланди. Шунингдек, хонадонларга 60 та сув ўлчаш асбоблари ўрнатилди. Таъмирчилар шаҳар коммунал хизмати билан янги шартномалар тузиб, Ширин шаҳридаги кўп қаватли биноларни таъмирлашда давом этмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

Муносабат

# Ўтган кунлар сабоғи




Мен, аввало, «Халқ сўзи» газетаси таҳририятига ва шу газета саҳифаларида кейинги пайтда бир-биридан муҳим ва мукаммал мақолалар эълон қилаётган ҳуқуқшунос Озод Аббосхўжаевга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Муаллиф ниҳоятда долзарб мавзуларга қўл урмоқда. Яқин тарихни билмаслик кечириб бўлмайдиган лоқайдликлардан биридир. Мана, ҳадемай мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрамини нишонлаймиз. Бироқ бугунги мактаб ўқувчилари, талабалар, қолаверса, пойтахтдан узоқда яшовчи минглаб ҳамюртларимиз бу мустақиллик қандай қурбонлар эвазига, не-не уқубатлар ҳисобига қўлга киритилганлигини билиб олишлари, кўнгилларига тугиб қўйишлари шарт. Озод Аббосхўжаевнинг кўплаб мақолалари, хусусан, марказдан бизнинг республикамиз ички ишлар идораларига жўнатилган десантчиларнинг ҳақиқий маънавий қиёфаси очиб ташланган мақолалари менда чуқур таассурот қолдирди. Унинг, шунингдек, «Чин ўзбек иши» публицистик мақоласи минглаб юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотганлигига шубҳам йўқ. Гдлян-Иванов гуруҳи, Дидаренко, Гусев, Теплов ва бошқа ўнлаб қонун «посбон»ларининг юртимизда қилган жиноятлари муфассал очиб ташланган. Қаранг, эндиликда ана шу қонун посбонлари бўлмиш генералларнинг бири ўз юртида порахўрлиги учун қамоқда ўтирган бўлса, бошқа бири ичкиликка муккасидан кетиб, ошхоналарда шиша йиғиб, шармандаю шармисор бўлиб юрибди. Ҳолбуки, улар бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Ўзбекистонда ўзларини қонун посбонлари, дея эълон қилиб, не-не жиноятларга қўл уришмаганди. Бирининг ўғли қотил, бирининг боласи қароқчи, бошқасининг хотини эса маънавий бузуқ кимсалар бўлган.

Яхшиям, ўзбек халқининг пешонасини Истиқлол аталмиш бир қуёш ёритди. Яхшиям, толеимизда бахтли кунлар бор экан. Аммо мана шу бахтли кунларга етиб келгунимизча не-не юрт фидойилари ҳам жисмонан, ҳам маънан маҳф этилдилар. Мақолаларда ана шу инсонларнинг жасоратли ҳаёти ёритилгани айни муддао бўлган.

Тарих бугунги кун пойдеворидир. Келажак ҳам айнан бугунги кундан бошланади. Шундай экан, биз бугунги бахтли кунимиз қадрига етишимиз, яқин тарихимизни ипидан-игнасигача ўқиб-ўрганмоғимиз лозим. Фақат ана шундагина ҳар биримиз келажак учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга, яшашга шай турамиз.

**Худоёр АНОРҚУЛОВ,**
**пенсионер ҳуқуқшунос.**
**Гулистон шаҳри.**

# АКАДЕМИК ЛИЦЕЙГА МУНОСАБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демоқчимизки, лицейга иқтидорли болаларни тортиш, уларни излаб топиш борасида изланиш, ҳамкорлик лозим.

Яқинда халқ таълими ходимларининг вилоятда бўлиб ўтган нуфузли анжуманида айнан қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг республика, халқаро танловлардаги, фан олимпиадаларидаги муваффақиятлари ҳақида фахрланиб гапиришди. Зомин туманидан И. Ҳамдамова, Н. Хўжаев, Р. Кенжаев, форишлик О. Сатторов, Бахмалдан Б. Эсқораев, А. Қосимова, зарбдорлик З. Ойқулова каби ўнлаб иқтидорли ёшлар бўлғуси академикларимиз деб таърифланди. Худди шундай ёшлар дастлабки билимларини, илмий изланишларга даъват этувчи мунозараларни академик лицейлардан бошлашса бўлмайдими?

Жиззах давлат педагогика институти қошидаги «Сайилжой» академик лицейнинг илк қалдирғочлари бу йил олий ўқув юртларига тест синовлари топширишди. Дастлабки натижалар ҳақида гапиришга ҳали эрта. Аммо ўқув йили давомида 45 нафар ўқувчининг даргоҳни ташлаб кетиши асл сабабларини ҳеч ким аниқ айтолмайди. «Асосан иқтисодий қийинчиликлардан бўлса керак», деган мужмал жавобни олдик раҳбарлардан. Савол туғилади: бирор жамоада таълим-тарбия олаётган, балоғат ёшига етмаган ўғил-қизларнинг, қолаверса, иқтидорли ёшларнинг тақдири, келажаги, энг аввало, ўша жамоани қизиқтириши уларнинг истиқболи учун жон куйдириши керак эмасми?

Таажжубли томони шундаки, лицейни ташлаб кетаётган иқтидорли ёшларни ўқув даргоҳида олиб қолиш учун жон куйдирилмади. Жойларда кенг қўлланилаётган ҳомийлик ҳаракати, кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштириб, шаҳар, туман, ҳокимликлари лицей ўқувчиларининг ота-оналари яшаётган жойлардаги хўжалик, корхона ташкилотлари раҳбарлари билан алоқа боғланилганда балки бу рақам анча кам бўлармиди. Энг ачинарлиси, бу ҳақдаги масала жамоанинг илмий педагогик кенгаши йиғилишида муҳокама этилмаган. Институт раҳбарияти, бошқа мутасаддиларга хабар берилмаган.

Ўтган йили Педагогика институти лицей кутубхонасига 300 минг сўмликдан зиёд дарслик, бадиий адабиётлар олиб берганди. Бу йил яна 2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Лицей мутасаддилари томонидан зарур китоблар рўйхати тақдим этилмаётгани боис ҳозирча китоб олинмай турибди.

Шу ўринда умумий ишда муаммо туғдираётган яна бир нарса ҳақида гапирмасак бўлмас. Академик лицей Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарайди. Жиззах давлат педагогика институти Халқ таълими вазирлиги тизимидадир. «Сайилжой» академик лицейини молиялаштириш эса маҳаллий бюджет зиммасида.

— Институтимиз қошида салкам 300 нафар ўқувчи таълим олаётган иқтидорли болалар лицей-интернати ташкил этганмиз, — дейди Педагогика институти ректори, профессор Ғафур Муҳамедов. — Ўқувчиларни ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминлаётган жамоани иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриш бир мунча осонроқ. Негаки ҳаммасини ўзимиз, ички тартибда ҳал этамиз.

Маълум бўлишича, юқорида айтилган муаммо раҳбар кадрларни тайинлаш масаласи билан ҳам боғлиқ экан. Ташкил этилганига уч йил бўлган академик лицейда тўртинчи директорнинг ишлаётгани балки шунинг оқибатидир.

Академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорлигини яхшилаш, иқтидорли болаларни лицейларга кенг жалб этиш учун қандай тадбирлар зарур. Бу ҳақда ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилардан айримларининг фикрлари билан танишдик.

**Абдухолиқ АБДУСАТТОРОВ, Политехника институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси:**

— Лицейимиз ташкил этилган йиллари жамоани моддий томондан қўллаб туриш учун ҳомийлар белгиланганди. Натижа бўлмади. Ҳеч бўлмаса байрамларда, битирув кечаларида аълочи ўқувчиларимизни эслаб, совғалар, гулдасталар келтириб туришса, яхши бўларди.

**Лола АҲРОРОВА, «Сайилжой» академик лицейи директорининг ўринбосари:**

— Кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандларига маҳаллий ҳокимликлар, институтларнинг доимий ҳомийлик ёрдамини уюштириш зарур. Бу — ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур.

**Сожида ЙЎЛДОШЕВА, — ота-оналардан, Фориш тумани:**

— Рости академик лицейлар ҳақида Жиззахга келиб эшитдик. Қишлоқларда лицейларнинг аълочи ўқувчилари билан учрашувлар, ўқитувчилар билан давра суҳбатлари ўтказиб бориш йўлга қўйилса, айни муддао бўларди.

**Шерзод ЖОНУЗОҚОВ, — академик лицей ўқувчиси:**

— Тенгдошларим билан шаҳар, вилоят, республика фан олимпиадаларида қатнашганимдан фахрланаман. Аммо илмий мусобақаларнинг, беллашувларнинг дастлабки босқичи институтлар соврини учун ўтказилса, анча чиниқардик. Олийгоҳлар ҳаёти, улардаги ўқув жараёнлари билан яқиндан танишган бўлардик.

Хуллас, истак, мулоҳазалар кўп. Таклифлар ўринли. Академик лицейлар олдига тўплангланларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, ўқув даргоҳига кириш орзуси билан тўлиб-тошганининг гувоҳи бўласиз. Улар академик лицейларда билим олиш учун яратилган шароитлардан, замонавий техникалар билан жиҳозланган лабораториялар, компьютер хоналаридан маҳлиё эканликларини яширишмайди. Бундай ёшларга қараб туриб, улар тимсолида бўлғуси академикларни кўрдим, десангиз ҳечам муболаға бўлмайди.

Гап, ана шу ёшларни тарбиялаб, вояга етказишда ҳамда мутасаддиларнинг юксак масъулият ҳиссини сезиб меҳнат қилишларида.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАШАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказиш, унга кенг халқ оммасини жалб этиш мақсадида тузилган Республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотга кўра, умумхалқ тадбирида тўққиз миллион нафардан кўпроқ юртдошимиз иштирок этган.

Шу куни 27 миллион квадрат метрдан зиёд майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп гул кўчатлари ўтказилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Болалар ўйин майдонлари, спорт мажмуалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, ташкилот, корхона, муассаса ва маҳалласида кўтаринки руҳда ўтди. Шу куни амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар Республика ишчи гуруҳига етказилиб турилди. Бундан халқимизни доимий хабардор этиш мақсадида телевидение ва радио каналлари орқали тинимсиз маълумот бериш йўлга қўйилди.

Шу куни ишлаб топилган барча маблағ "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу хайрия ёрдами маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш, унинг ёшлар камолотидаги ўрни ва ролини кучайтириш, халқимизнинг эҳтиёжманд қисмини қўллаб-қувватлаш, кексалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий ҳимоялаш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Акция бор, дивиденд-чи?

*Эгалик ҳисси қарор топган жамоаларда ўсиш, ўзгариш кўзга ташланиши табиий. Муваффақиятлар жамоа учун ҳам, корхона учун ҳам манфаат келтиради, албатта. Андижон вилоятидаги қатор меҳнат жамоаларининг ҳиссадорлари қандай қилиб даромадга эга бўлиш мумкинлигини ўз фаолиятлари мисолида исботламоқдалар. Рақамларга мурожаат қилсак. 1999 йили ҳиссадорларга 631,9 миллион сўм дивиденд тақсимланган бўлса, орадан бир йил ўтиб бу кўрсаткич 1 миллиард 8 миллион сўмга етди. 2001 йилда ҳиссадорлар 1 миллиард 272 миллион сўм дивиденд олди. Ўтган йилги натижалар ҳам ёмон бўлмади.*

— Эгаси борнинг эртаси бор, деган мақол бор, — дейди Улуғнордаги «Оқ олтин пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Қобилжон Каримов. — Айтайлик, авваллари бирон дастгоҳ бузилса, бутун корхонада иш тўхтаб қоларди. Ишчидан тортиб раҳбарларгача кун ўтса бўлди эди. Эндичи? Ҳамма тенг оёққа туради, чунки корхона тўхтовсиз фаолият кўрсатсагина манфаатдорлик юқори бўлади. Шериклар олдидаги мажбуриятлар бажарилади.

— Дарҳақиқат, ўтган йилги пахта ҳосилидан 480 нафар ишчи режадаги 3.790 миллион ўрнига 3.800 миллион сўмлик ярим тайёр маҳсулот тайёрлади. Унинг 85 фоизи Жанубий Корея, Швейцария, Россия, Германия сингари давлатларга экспорт қилинди. Қайта ишловчилар 50 миллион 340 минг сўм соф фойда олдилар. Ўртача ойлик маош 33.788 сўмга тўғри келди.

Бу масаланинг бир томони. Моддий манфаатдорликка хизмат қиладиган яна бир муҳим жиҳат шундаки, қимматли қоғоз эгалари ҳам мўмай фойда олишмоқда. Корхонада саккиз йил муқаддам ҳар бири 100 сўмлик қийматга эга бўлган 208 минг дона акция чиқарилган эди. Унинг 87.390 таси эркин савдога чиқарилди, 14.565 таси ишчи-хизматчиларга сотилди. Эргашхон Турғунов, Абдуллажон Исроилов, Абдуваҳоб Кўчқоровларнинг ҳар бири 174-224 тадан акция харид қилишди.

— Акциянинг моҳиятига дастлабки йиллари унчалик тушунмагандик, — дейди Ҳамидулла Ҳасанов. — Кейин билсак, у қўшимча даромад манбаи экан. Менда 341 та қимматли қоғоз бор. Ўтган йили салкам 42 минг сўм дивиденд олдим. Яхши-да! Лекин бирим икки бўлсин деган одам ишлашиям керак. Тоққа чиқмасанг дўлана қайда.

Бир қарашда рақамлар зерикарлидай туюлади. Бироқ, улар мағзини чақсангиз кўнгилларга ёруғлик соладиган манзара намоён бўлади. Корхонада ўтган йили соф фойданинг 12.536 минг сўми дивиденд учун ажратилди.

— Шу ерда ишлайман, — дейди Хуршида Худойбердиева. — Фарзандли бўлдим. Суюнчи пули олдим.

— Фалокат оёқ остида деганлари рост, — дейди Сорахон Деҳқонова, — ногирон бўлиб қолдим. Лекин жамоадагилар эсдан чиқаришмади. Тез-тез хабар олишади, нафақам пулини вақтида оляпман.

Жалолқудуқдаги «Сўфиқишлоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда, унинг раҳбари Авазбек Минийозов ҳар йили миллион-миллион сўм соф фойда кўрилаётгани, акциядорларга дивиденд тарқатилаётганини айтди.

— Қимматли қоғозлар қачон чиқарилган?

Саволимизга раҳбар ўнғайсизланди. Кейин қачон ва қанча акция чиқарилгани, акциядорлар сони қанча экани эсида йўқлигини айтиб, бош ҳисобчи Ғофуржон Насриддиновни ҳузурига чорлади.

— 95.928 та акциямиз бор, — деди у, — ҳар бирига 168 сўмдан дивиденд тўғри келди. Умуман, дивиденд учун 17 миллион сўм ажратилди.

— Даромад эгаларига нақд пул бериляптими ёки маҳсулот тарқатиляптими?

— Ўтган йили пул берганмиз.

Биз Ҳусанбой Қосимов билан суҳбатлашдик. Унинг 113 та акциясига ўтган йили 15 минг сўм атрофида дивиденд ажратилган.

— Пул ўрнига хўжалик совуни олдик, — деди у.

Яна бир акция эгаси Алла Цойга ҳам хўжалик совуни берилган.

— Ойлик иш ҳақи вақтида қўлга тегаётгандир?

Бошлиқ бош ҳисобчига, ҳисобчи эса ўз раҳбарига маънодор қарашди.

— «Пахта банк»нинг туман бўлимида 20 миллион сўм пулимиз бор. Аммо ололмаяпмиз. Уч ой давомида 500 минг сўм нақд пул олдик. Одамларга иш ҳақи учун 11 миллион сўмлик совун, 9 миллион сўмлик ёғ, 8 миллион сўмлик ун, пиёз тарқатдик.

Жамоада 410 ишчи меҳнат қилади. 343 акциядорнинг қўли нақд пул кўрмаётгани ҳақиқат. Иш ҳақидан қарздорлик кун сайин ортиб бораётгани, айниқса, ачинарли. Ҳозир турли ташкилотлардан қарздорлик 483 миллион сўм, нафақадан 156 миллион сўм, иш ҳақидан 24 миллион сўмга етди.

Қимматли қоғозлар чиқаришдан мақсад, аввало, акциядорлар манфаатдорлигини оширишдир. Ҳалол меҳнат қилган йил якунида қўшимча даромадга эга бўлсин. Бойлигига бойлик қўшилсин. Сидқидилдан ишлаган одам кам бўлмаслигини ҳис этсин. Жамоа эса қимматли қоғозлар сотиш ва жойлаштириш ҳисобига қаддини тикласин, ишлаб чиқариш қувватини оширсин. Илғор технологияларни олиб кирсин. Ахир, Улуғнордаги «Оқ олтин пахта» корхонаси шу йўлдан бораяпти-ку.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

